

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ФАРГОНА ВОДИЙСИ  
ВИЛОЯТЛАРИДА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ  
КАДРЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Ирода Базарова**

Андижон давлат университети ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ**

*Мақолада Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги йилларида бошлангич таълим тизимини малакали мутахассис-кадрлар билан таъминлаш масалалари Фарғона водийси вилоятлари мисолида ўрганилган. Ўтган йиллар давомида водий олий ўқув юртларида тайёрланган мутахассислар миқдори бўйича рақамлар умумлаштирилган.*

**Калим сўзлар:** бошлангич таълим, педагог, мутахассис, таълим тизими, олий ўқув юртлари, ўрта маҳсус таълим, университет, малака оширии институти.

**АННОТАЦИЯ**

*В статье изучены на примере областей Ферганской долины вопросы обеспечения квалифицированными специалистами системы начального образования в годы независимости Республики Узбекистан. Приведены статистические данные по количеству специалистов, подготовленных в высших учебных заведениях Ферганской долины за последние годы.*

**Ключевые слова:** начальное образование, педагог, специалист, система образования, высшие учебные заведения, среднее специальное образование, университет, Институт повышения квалификации.

## ANNOTATION

*The article examines the issues of providing qualified specialists for the primary education system in the years of independence of the Republic of Uzbekistan on the example of the regions of the Fergana Valley. Statistical data on the number of specialists trained in higher educational institutions of the Fergana Valley in recent years are given.*

**Key words:** primary education, teacher, specialist, education system, higher educational institutions, secondary specialized education, university, Institute of Advanced Training.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантириш соҳани малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли ҳам мустақиллик йилларида бу масалага жиддий эътибор қаратилди ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш юзасидан муҳим амалий ишлар қилинди. Фарғона водийси вилоятларида бошланғич таълим муассасаларини олий маълумотли мутахассис кадрлар билан таъминлашда Андижон, Наманган ва Фарғона давлат университетлари бошланғич таълим факультетларининг ўрни каттадир. Бу ўкув даргоҳларида водий бошланғич синфлари учун юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилди. Мазкур университетларда бошланғич мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш кўрсаткичи йилдан-йилга ўсиб борди.

Наманган давлат университетида истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси йўналиши бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлашга муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, 1991-1992 ўкув йилидан бошлаб Наманган, Чуст, Косонсой ва бошқа шаҳарлардаги педагогика билим юртлари (кейинроқ колледж) бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси йўналиши бўйича тутатган ҳамда бир йил ва ундан ортиқ педагогик стажга эга бўлган мактаб ўқитувчилари университет сиртқи бўлнимининг тўрт йиллик маҳсус гурухларига, ўрта маълумотли ёшлар эса беш

йиллик гурӯҳларга ўқишига қабул қилинди. Айнан шу ўқув йилида сиртқи бўлимнинг бошланғич таълим педагогикаси ва методикаси факультетида 24 та гурӯҳ мавжуд бўлиб, унда 700 га яқин талаба ишдан ажралмаган ҳолда таҳсил олди [1. Б.5].

1991-1992 ўқув йилида Фарғона давлат университети Бошланғич таълим методикаси факультети томонидан Кўқон шаҳрининг 1, 23-сонли мактабларида январь анжумани ўтказилди. Ўтказилган мазкур анжумандаги бошланғич таълим концепцияси бўйича давра сұхбати уюштирилди. Унда тизимни ривожлантиришга йўналтирилган бир қанча таклифлар ва тавсиялар берилди [2. Б.12].

Фарғона водийси бошланғич таълим тизимини мутахассис кадрлар билан тайёрлашга бўлган хукumat ғамхўрлигининг ортиши натижасида соҳа мутахассисларининг сони йилдан-йилга ортиб борди. Хусусан, 1993 йили Фарғона вилоят ҳалқ таълими бошқармаси тасарруфидаги таълим муассасаларида 12477 нафар бошланғич таълим ўқитувчилари 277672 нафар ўқувчиларга таълим-тарбия бердилар. Уларнинг 6120 нафари олий, 239 нафари тугалланмаган олий, 6118 нафари ўрта-маҳсус маълумотга эга эди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 августдаги 406-сонли қарорига асосан бошланғич таълим ўқитувчилари аттестациядан ўтказилиб, ўқитувчиларнинг 864 нафари олий, 2940 нафари биринчи, 4243 нафари иккинчи ва 4430 нафари мутахассис тоифалари берилди [3. Б.17].

Водий вилоятларининг ҳалқ таълими бошқармалари тизимида педагог ходимларнинг малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш А.Авлоний номидаги Ҳалқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда вилоятлар ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий марказлари томонидан амалга оширилиб, мазкур марказларда бошланғич таълим ўқитувчилари малакасини оширишнинг турли замонавий шакллари кенг татбиқ этилди. Хусусан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда марказ, шаҳар, туманда

ўтказиладиган курслар, экстернат кўринишдаги курслар, қисқа муддатли курслар, эркин тингловчи, масофавий, шахсий режа асосида сиртдан қатновчи курслар ана шулар жумласидандир.

Андижон вилоятида бошланғич таълимга кадрлар тайёрлашда ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1992 йилда Андижон педагогика билим юртини 359 нафар ёш мутахассислар тамомлаб (уларнинг 336 нафари бошланғич синф ўқитувчилари, 23 нафари мусиқа ўқитувчилари) вилоят халқ таълими бўлими ихтиёридаги таълим муассасаларига юборилди [4. Б.5]. 1993 йили Андижон вилоятида 663 та умумий таълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 395400 та ўқувчи ва 1650 та педагог фаолият кўрсатди. Педагогларнинг 45,6 фоизи олий маълумотли, 32 фоизи ўрта маҳсус маълумотли кадрлар эди [5. Б.56].

1994 йилда Фарғона вилоятида 39419 нафар педагог фаолият юритди, бироқ вилоятда метемматика, физика, кимё, ўзбек тили ва адабиёти фанлари бўйича ўқитувчилар етишмаслиги кузатилди. Шу йили Фарғонага тақсим қилинган 1814 нафар ёш мутахассисларнинг 1481 нафари ишга жойлашди, уларнинг 333 нафари вилоят халқ таълими бўлими рўйхатидан ўтмади [6. Б.97].

1995 йили Андижон вилоятида 7559 нафар бошланғич синф ўқитувчилари бўлиб, улардан 4364 нафари олий, 302 нафари тугалланмаган олий, 2045 нафари ўрта маҳсус, 48 нафари эса ўрта маълумотли кадрлардан иборат бўлди [7. Б.79]. Вилоятда ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан умумтаълим мактаблари педагог ходимларини моддий рағбатлантириш ишлари йўлга кўйилди. 1996 йилда Андижон вилояти ҳокимлиги Кўргонтепа туман ҳокимлигининг тумандаги мавжуд ўқув-тарбия муассасаларини оталиқ ташкилотлари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ташаббусини кўллаб-куватлаб, оммалаштириди. Вилоятнинг Марҳамат, Избоскан ва Кўргонтепа туманлари ҳокимлари туман ҳудудида яшовчи педагог ходимларни жамоат транспортидан бепул фойдаланиш имкониятини яратдилар. Шу билан бирга, вилоятнинг аксарият туманлари педагог ходимларига имтиёзли нархларда ун, пахта ёғи ва

бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ажратилди. Айнан шу йилда илгор ва тажрибали ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш ишлари учун ҳомий ташкилотлари томонидан 1 млн. 800 минг сўмдан зиёд маблағ ажратилди [8. Б.5].

2009 йилда Андижон вилоят ҳалқ таълими бошқармасининг тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларида 38185 нафар педагог ходимлар фаолият кўрсатди. Уларнинг 27334 нафари олий маълумотли, 1498 нафари тугалланмаган олий, 9353 нафари ўрта маҳсус маълумотли кадрлардан иборат бўлди [9. Б.34]. Фаолият кўрсатган педагогларнинг 4820 нафари олий тоифали, 12000 нафари 1-тоифали, 12186 нафари 2-тоифали, 9179 нафари мутахассисларни ташкил этди. Айнан шу йилда умумтаълим мактабларининг ўқитувчилар билан таъминланиш даражаси 99,6 фоиз бўлди. Кадрларга бўлган қўшимча эҳтиёж 2009-2013 йиллар мобайнида кадрларни табиий қўнимсизлиги ҳисоб-китоб қилинганда қўшимча 1573 нафар ёш мутахассисларнинг ишга жойлашиши мумкинлиги аниқланди.

Шу билан бирга, турли хил фан ўқитувчилари ҳамда баъзи мактаблардаги бошлангич синф ўқитувчиларига бўлган қўшимча эҳтиёж қисман хорижда шу йўналишдаги олий ўқув юртларини тамомлаб келиб, Давлат тест марказининг комиссияси томонидан ностирификациядан ўтказилиб, дипломлари тан олинган 304 нафар педагог кадрлар ҳисобига ҳам қопланди. Ўтказилган ҳисоб-китобларга қараганда, айнан мазкур йиллар оралиғида 1 меъёр дарс юкламаси ҳисобидан олинганда 147 нафар ўқитувчига қўшимча эҳтиёж борлиги маълум бўлди. Жумладан, Улуғнор туманида 21 нафар, Бўстон (Бўз) ва Андижон туманларида 19 нафар (улардан 4 нафари бошлангич синф ўқитувчилари), Асака, Шахрихон, Қўрғонтепа туманларида 14 нафар ўқитувчиларга қўшимча эҳтиёж сезилди [9. Б.36]. Бироқ, бу ҳолат мавжуд ўқитувчиларга дарс юкламасини ортириб бериш, соатбай ва ўриндошлиқ йўли билан қопланди.

2014-2015 ўқув йили Фарғона вилоятида олий таълим муассасаларини тамомлаган ёш мутахассисларни ҳалқ таълими тизимидағи таълим муассасаларига жалб қилиб, улар билан шартномалар имзоланди. Шунингдек, кадрларга эҳтиёж юқори бўлган туманларга ёш мутахассисларни жалб этиш,

уларга уй-жой ажратиш ва етарли шарт-шароит яратиб бериш масаласини маҳаллий ҳокимликлар ва шаҳар, туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари томонидан амалга ошириш бўйича чоратадбирлар белгиланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги 275-сонли қарорида белгиланган топшириқларни бажариш мақсадида умумтаълим мактабларининг олий ва биринчи тоифага давъогар педагог кадрлари аттестациясини ўтказиш учун уларнинг ихтисослик бўйича билим даражаси ва педагогик кўникмасини аниқлаш мақсадида навбатдаги аттестация жараёнига рўйхатлар шакллантирилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси тизимида мавжуд 918 та умумий ўрта таълим мактаблари 2014-2015 ўқув йилида жами 36532 нафар педагог кадрлар бўлиб, шундан 28099 нафар (76,9 %) аёлларни ташкил қилди. Шулардан 34318 нафари (93,9%) олий маълумотли, 2214 нафари (6,1%) ўрта маҳсус маълумотли педагогларни ташкил этди. Фаолият кўрсатган ўқитувчилардан тоифалари бўйича тақсимланганда олий тоифалилар - 4222 нафар (11,6%), 1-тоифалилар - 10197 нафар (27,9%), 2-тоифалилар - 16814 нафар (46%), 5299 нафари (14,5%) мутахассис малакали тоифаларга эга бўлган педагог кадрлардан иборат бўлди [10. Б.15].

Республика Халқ таълими тизимида раҳбар ва педагог кадрларнинг масофадан малака ошириши бўйича замонавий методлар жорий этилди. Биргина 2016 йилда 93 мингдан ортиқ раҳбар ва педагог кадрлар 140 та малака тоифаси асосида ўз маҳоратини оширди. 2016 йилда республика умумтаълим мактабларида 389 минг 740 нафар педагог фаолият юритди. Жумладан, 2016 йилда ўқитувчилар билим даражасини ўрганиш бўйича синовлар ўтказилди. Жами 20 119 нафар ўқитувчидан 17 250 (89,5 фоизи) нафари синовдан муваффақиятли ўтди [11. Б.95]. Қолган 2869 нафар ўқитувчи навбатдан ташқари малака ошириш курсларида ўз билимини ошириб борди.

2016-2017 ўқув йили Наманган вилоятида бошланғич таълим йўналиши бўйича малака ошириш курсларида ўқитиладиган ихтисослик блоки модулларини оптималлаштириш, инновацион йўналишларини ҳисобга олган ўқув режаларига янги ўқув модулларини киритиб боришлари малака ошириш институтлари салоҳиятини оширди. Мазкур ўқув йили Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларида 8613

H  
a  
 $\phi$   
a  
p

б

о Умумий ўрта таълим мактабларининг педагог кадрлар даражаси Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидағи мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари 2017-2018 ўқув йилида жами 41779 нафар, педагог кадрлар бўлиб Шундан 31693 нафар (75,9%) аёлларни ташкил этди. Мавжуд педагоглардан 39028 нафари (93,4%) олий маълумотли, 2751 нафари (6,6%) ўрта маҳсус маълумотли педагогларни ташкил қилди. Фаолият кўрсатган ўқитувчилардан тоифалари бўйича таксимлангандаги олий тоифали 1107 нафар (2,6%), 1-го тоифалилар 4805 нафар (11,5%), 2-тоифалилар 15967 нафар (38,2%), 19900 нафари (47,6%) мутахассис малакали тоифаларга эга бўлган педагог кадрлардан ҷборат бўлди [13. Б.4]. Вилоятда педагог кадрлар билан таъминлаш ишларини тўла амалга ошириш мақсадида олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминланиш даражаси пастроқ бўлган Қувасой шаҳар, Тошлоқ, Сўх, Фарғона, Бешарик, Боғдод ва Қува туманларидағи таълим муассасаларида кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун олий таълим муассасалари битирувчиларини (Фарғона давлат университети, Кўқон давлат педагогика институти ҳамда вилоятдан ташқаридаги олий ўқув юртларидан) жумладан, давлат гранти асосида фатомомлаган битурувчи ёш мутахассисларни ушбу худудларга йўналтириш бўйича олий ўқув юртларига сўров хатлари ва таклифлар билан амалий ишлар бажарилди [14. Б.7].

Хуллас, Фарғона водийси вилоятларида бошланғич бўғин учун мутахассис кадрлар тайёрлаш Фарғона, Андижон ва Наманган давлат университетларида и

йўлга қўйилди. Водийдаги халқ таълими тизимида раҳбар ва педагог кадрларнинг масофадан малака ошириши бўйича замонавий методлар жорий этилди. Бошланғич таълим ўқитувчиларини касбий маҳоратларини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан берилган тавсиялар асосида “Бошланғич таълим ўқитувчилари Форуми” ҳудудлар кесимида ўтказилди. Бу каби тадбирлар Фарғона водийси вилоятларида бошланғич таълим бўғинини ривожланиши ва тараққий этишига туртки бўлиб, таълим сифатини ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Наманган вилоят Халқ таълими бошқармаси (ВХТБ) жорий архиви, 3-жамгарма, 2-рўйхат, 143-ийғма жилд.
2. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), М.26-жамгарма, 5-рўйхат, 54-ийғма жилд.
3. Фарғона вилоят Халқ таълими бошқармаси (ФВХТБ) жорий архиви, 2-жамгарма, 3-рўйхат, 34-ийғма жилд.
4. Ўз МА, М.26-жамгарма, 1-рўйхат, 79-ийғма жилд.
5. Ўз МА, М.26-жамгарма, 1-рўйхат, 82-ийғма жилд.
6. Ўз МА, М.26-жамгарма, 1-рўйхат, 266-ийғма жилд.
7. Ўз МА, М.26-жамгарма, 5-рўйхат, 14-ийғма жилд.
8. Султонов М. Таълим ислоҳотларини чуқурлаштирайлик // Халқ таълими. 996. -№4.
9. Андижон вилоят Халқ таълими бошқармаси (АВХТБ) жорий архиви, 6-жамгарма, 1-рўйхат, 2-ийғма жилд.
10. ФВХТБ жорий архиви, 2-жамгарма, 2-рўйхат, 24-ийғма жилд.
11. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулокот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишига оид Давлат дастурини ўрганиши бўйича илмий-услубий рисола. – Тошкент: Маънавият, 2017.
12. НВХТБ жорий архиви, 3-жамгарма, 2-рўйхат, 145-ийғма жилд.
13. ФВХТБ жорий архиви, 2-жамгарма, 1-рўйхат, 34-ийғма жилд, 4-варақ.
14. Фарғона вилоят давлат архиви (Фарғона ВДА), 176-жамгарма, 1-рўйхат, 12-ийғма жилд.